*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
8 январь
ШАНБА
№ 3
(12.327)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

**ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ**

## МАРДЛАР БАЙРАМИ – МИЛЛИЙ БАЙРАМИМИЗ

**14 январь – Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда миллий байрам сифатида кенг нишонланади**

Дунёда касблар кўп. Аммо Ватан ҳимоячиси бўлиш уларнинг ичида энг шарафлисидир. Зеро, киндик қони тўкилган Ватанни, шу мустақил юртни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ўз оиласини, шаъну ғурурини, ор-номусини ҳимоя қилиш демакдир.

Тинчлик ва осойишталигимиз посбонлари – ҳарбийлар байрами мамлакатимизда миллий байрам сифатида нишонланишида теран маъно мужассам. Зеро, юртда тинчлик ва осойишталик барқарор, сарҳадларимиз мустаҳкам экан кўнгилга шоду хуррамлик сиғади, байрамлар ярашади, эртанги кунга ишонч ортади.

...Ҳар куни эрталаб ишонч билан фарзандимизни боғчаю мактабга кузатамиз, ишга келамиз, яхши кайфият, хурсандчилик билан уйга қайтамиз. Инсон ҳаётидаги бу бахтли онларнинг бош мезони тинчликдир. Бу ҳар соат, ҳар дақиқа ҳушёрликни қўлдан бермай, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз осойишталигини таъминлаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати самарасидир. Шу боис ҳам Ватан ҳимоячилари байрами – мардлар байрами, барчамизнинг миллий байрамимиздир.

Истиқлол ҳар бир ўғлонга ўз Ватанида, ўзининг миллий армиясида хизмат қилиш имконини берди. Бугун қайси ота-она билан гаплашманг, фарзандининг армияга боришини истайди. Чунки улар Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган аскарнинг қандай қулай шарт-шароитда яшаётгани, армияда юксак жисмоний, ақлий ва интеллектуал салоҳиятни эгаллаши, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўғли ўқиш ёки ишга киришда кўплаб имтиёзларга, алоҳида ғамхўрлик ва эътиборга эга бўлишини яхши билади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига қўшимча имтиёзлар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида фаоллигини намоён этса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлайди.

Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда муддатли ҳарбий хизматга боришни хоҳловчилар бир неча бароборга ошди. Келажакда фарзанди ҳарбий касбни танлашини истаган ота-оналар сафи сезиларли даражада кенгайди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури бераётган самаралардандир.

Конституциямизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиши белгиланган. Айни пайтда Бош қомусимизда Ватанимизни ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи экани қайд этилган. Бугун ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш нафақат конституцион бурчини адо этиш, айни вақтда нуфузли ва шарафли ишга айланди.

Замонавий профессионал армияни шакллантиришнинг энг муҳим мезонларидан бири – Қуролли Кучларимиз сафига юксак жисмоний ва интеллектуал салоҳиятга эга, ҳар томонлама бақувват ва соғлом ўғлонларни танлаб олишдир. Мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизматга олишда чақирилувчилар ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг билим ва кўникмалари, дунёқарашини синовдан ўтказиш тизими йўлга қўйилгани ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ**

***Мустақил фермер бўлиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, шахсий бизнесини йўлга қўйишга жазм этганлар учун қарийб йигирма йил бўлаяптики, барча имкониятлар эшиги очиб қўйилган. Бугунга келиб, фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берувчи ҳақиқий мулкдорга айланди. Ўз бизнесини рисоладагидек йўлга қўйган тадбиркорлар сафи беқиёс кенгайди.***



## ҚУЛИБОЕВ ҚАМРОВНИ КЕНГРОҚ ОЛМОҚЧИ




2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани эса, нафақат тадбиркор ва ишбилармонлар, балки фермерларнинг ҳам юрагига чўғ ташлади. Улар давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш билан бирга халқ истеъмоли моллари турини кўпайтириш манбалари бўлган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва боғдорчиликни ҳам кенг йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

Пискентлик фермер Ғиёс Қулибоев 44 гектар ернинг ярмида ғалла, қолган ярмида пахта етиштирарди. Ўтган йили эл-юрт тўкинчилигини таъминлашда муҳим тармоқ ҳисобланган чорвачилик билан шуғулланишга аҳд қилди. 27 бош қорамол ва 25 та қўй сотиб олди. Ибратли жиҳати шундаки, бунинг учун фермер банклардан кредит сўрамади, хўжалигининг даромадини сарфлади. Ерининг 5 гектарига беда сепди. Бу орада давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2011 йилдан бошлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг кўламда ривожлантириладиган бўлди. Бундан руҳланган фермер энди қамровни янада кенг олиш ниятида.

– Ҳозирги ривожланган мамлакатларнинг шу даражага етишишида айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳал қилувчи роль ўйнагани бизга маълум, – дейди Ғиёс Қулибоев. – Юртбошимиз қандай ташаббус бошламасинлар, албатта, узоқни кўзлайдилар. Айтмоқчиманки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай фермер, тадбиркору ишбилармонлар давлатимиз иқтисодиёти ҳамда халқ фаровонлигининг асосий ва ишончли таянчига айланиши шубҳасиз. Туман ҳокимлиги билан маслаҳатлашдик. Яқин орада яна 30 бош зотли қорамол оламиз. Энди банкнинг ёрдамига таянишимиз керак бўлади. Чунки, кейинчалик чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш цехларини очиш ниятимиз ҳам бор. Ҳозир хўжалигимиз аъзолари 15 киши бўлса, ўшанда камида икки баравар кўпаяди.

Фермер режани пухта қилди. Мол туёғини кўпайтиришдан аввал замонавий ферма қурди. Унда ҳамма шароит бор. Дарвоқе, янги ферма ёнида 10 гектар атрофида ер бор. Фермер уни кўз остига олган. Агар туман ҳокимияти уни фермерга расмийлаштириб берса, ривожланиб бораётган чорвачилик хўжалиги учун озуқа етиштириш имконияти ҳам анча кенгаяди.

СУРАТЛАРДА: фермер Ғиёс Қулибоев; янги қурилган ферма.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ – 4117-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда замонавий халқаро стандартлар ва талабларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралда қабул қилинган ПФ – 2240-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома 2015 йил 31 декабргача ҳақиқийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хўжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратқулов) оммавий ахборот воситаларида (матбуот, телевидение, радиоэшиттириш) фуқаролар ўртасида мазкур Фармоннинг асосий қоидаларини кенг тарғиб қилиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувлар тайёрлашни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Э. Ғаниев) белгиланган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган ПФ – 3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг V бўлими қуйидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:

"7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази".

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Б. Матлюбов) Адлия вазирлиги (Р. Муҳитдинов) ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2011 йил 5 январь.

**ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ**

### УСТОЗЛИК ҚИЛАДИЛАР

**Қизил Ярим ой жамияти туман бўлимининг 2010 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўнгиллилар, ёшлар, меҳр-шафқат клуби ва Қизил Ярим ой жамияти аъзолари иштирок этди.**

Тадбирда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан кам таъминланган оилалар фарзандларини йирик тадбиркор, фермер ва ҳунармандларга бириктириб қўйиш юзасидан келишиб олинди.

Йиғилиш сўнгида, Баркамол авлод йилида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда фаол иштирок этганлардан 5 нафари рағбатлантирилди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

**ЗАНГИОТА ТУМАНИ**

### ҚИЗЛАРНИНГ ЭПЛИСИ ЯХШИ

**56-умумтаълим мактабида 7-синф ўқувчи қизлари ўртасида кўргазмали марафон ўтказилди. Иштирокчилар тикувчилик, тўқувчилик, дизайнер ва пазандалик бўйича маҳоратларини намойиш этишди.**

Меҳнат ўқитувчилари С. Назирова ва Д. Тошметова ўз ўқувчиларининг қобилиятларини кўриб, хурсанд бўлишди. Айниқса, У. Зоирова, М. Мирсафоева, Л. Камолова ва П. Маҳмуджонова каби қизларнинг иқтидорини кўпчилик юқори баҳолади.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

### КЕЛЕСНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ

**Келес шаҳри марказида янги бозор мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бунда туман ҳокимлиги ва ҳомийларнинг ёрдами катта бўлди.**

Бозор атрофида гўшт, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиладиган дўконлар бор. Ичкаридаги 50 га яқин турғун савдо жойлари эса анча тартибли.

Энди келесликлар сархил маҳсулотларни харид қилиш учун узоққа бориб юришмайди. Улар янги бозор очилганидан мамнун.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

**ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ — АМАЛДА**

## ЎЗГАРИШЛАР ПАЛЛАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги банкрот ҳолатига келиб қолган реал сектор корхоналарини тижорат банклари балансига ўтказиш орқали улар фаолиятини қайта тиклаб, замонавий техника ва технологиялар билан мукаммал жиҳозлаб, мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўйишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда ўнлаб шундай корхоналарда қайта тиклаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Уларнинг аксариятида маҳсулот ишлаб чиқариш қайта изга тушаяпти.*

*Мамлакат иқтисодиёти реал секторининг вилоятимизда жойлашган корхоналаридаги бундай ижобий ўзгаришлар республика оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолмаяпти. Булар ҳақида радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар намойиш этилаётир, республика газеталарида кетма-кет мақолалар босилаётир. Айниқса, **"ПРАВДА ВОСТОКА"** газетаси вилоятимиз саноатидаги ижобий ўзгаришларга жиддий эътибор қаратаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.*

*Қуйида ушбу газетанинг 2011 йил 5 январь сонида босилган мақола таржимасини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

Тўқсонинчи йилларнинг охирида "Оҳангаронлинпласт" акциядорлик жамиятининг цехларидан бирида Германияда тайёрланган поливинилхлоридни қайта ишловчи линия ўрнатилганди. Бу корхона мамлакатнинг полиэтилен плёнка ва муҳофазаловчи материалларга бўлган талабини қондириши лозим эди.

Ўшанда бу ишлаб чиқариш истиқболли деб баҳоланган эди. Бироқ, у муайян сабаблар туфайли таназзулга учради. Акциядорлик жамиятининг ўша пайтдаги раҳбарларининг бепарволиги оқибатида ускуналарнинг кўпи яроқсиз ҳолга келди. Ишлаб чиқариш хоналари авария ҳолатига тушиб қолди.

(Давоми 2-бетда).

**2011**
**йил учун**
**ОБУНА**
**давом этмоқда**
**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**
**газетасининг индекси – 205.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24; Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА – 20 ТУПДАН КЎЧАТ!**

# ЮРТИМИЗНИ БОҒ-РОҒЛАРГА БУРКАЙМИЗ

**Халқимизнинг азалий ва бетакрор одати бор: оилада фарзанд дунёга келиши билан яхшилик йўлдоши бўлсин дея, ҳеч бўлмаса, бир туп кўчат экади. Бошқа бир удумга биноан айтайлик, бир туп дарахтни кесишдан аввал ерга ўн туп ниҳол қадайди. Шу боис, юртимиз кўркам, мевазор ва токзорларга бой, обод.**

*Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси қурултойида Мустақилликнинг 20 йиллигига ҳар бир касаба фаолини 20 тупдан кўчат экишга чорловчи мурожаатнома қабул қилинди. Вилоятимиз касаба ташкилотлари бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, кенг кўламда иш бошладилар. Қишлоқ хўжалик ходимлари, фермер, тадбиркор, касаба уюшмаларининг барча аъзолари бу умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашмоқдалар. Қуйида ана шу саъй-ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни ўқийсиз.*

**Юқоричирчиқ.** Туманда ҳозиргача 1250 гектардан зиёд боғларга ҳашаротларга қарши ишлов берилди. Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси туман вакиллиги фермерлар билан ҳамжиҳатликда мевазор ва токзорларда меҳнат қилаётган боғбонлар учун маданий-маиший шароитлар яратиш ҳаракатида. Шу кунларда 224 гектар майдонда янги боғлар барпо этишга киришилди. Шундан 94 гектари томчилатиб суғорилади, пакана дарахт кўчатлари экилади. Бунинг учун Польшадан кўчат келтирилаётир.

**Каримкул ҲАМИДОВ.**

**Бўка.** "Мустақиллик" фермер хўжалигида 4,5 гектар мевали боғ барпо этишга киришилди. "Тожли бургут" фермер хўжалиги боғбонлари ҳам 1,5 гектар боғ яратишяпти. Ҳозиргача туманда 7 минг 900 туп гилос, 8 минг туп олма, 3 минг 600 туп ўрик кўчатлари экилди. Булардан ташқари, 25 минг 500 дона манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

**Ҳабиб АҲМЕДОВ.**

**Чиноз.** Туман ҳокимлигининг маъмурий биноси атрофига экиш учун 400 дона қаламча тайёрланди. Қисқа фурсатда 300 туп олма, ўрик ва олхўри кўчатлари экилди, 55 минг дона қаламча тайёрланди.

**Усмонжон ЁҚУБОВ.**

**Пискент.** Туман ҳокимлиги мевали боғлар барпо этиш учун 21 гектар ер ажратди. Шу кунларда ерлар кўчат экишга тайёрланмоқда. Умуман, ҳозиргача 2060 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

**Икром ОЛИМОВ.**

**Оққўрғон.** "Мустақилликнинг 20 йиллигига – 20 тупдан кўчат" ташаббуси қишлоқ аҳолиси, корхона ва ташкилотлар ходимларига туртки бўлди. Қишлоқларда 30 мингга яқин киши бу ҳаракатга қўшилиб, боғ яратиш истагини билдирди. 29 декабрь кунигача туман қишлоқларида 301 туп мевали, 2200 туп манзарали дарахт кўчатлари, 3745 та қаламча экилди. Ҳозиргача қишлоқ хонадонларида 4531 туп кўчат ўтқазилди.

**Курбон ЭШМАТОВ.**

**Бўстонлиқ.** Туманнинг турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлари ходимлари 732 гектар майдонда янги боғлар барпо этиш ташаббуси билан чиқишди. Ҳозиргача 307,6 гектар майдонга кўчат экилди. Янги токзорлар ҳозир 27 гектарга етди.

**Эркин ҚОБИЛОВ.**

# ЎЗГАРИШЛАР ПАЛЛАСИ

2008 йилда "Оҳангаронлинпласт" Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки балансига ўтказилди. Бу молиявий ташкилот вилоят ҳокимлиги билан биргаликда корхонани таназзул ҳолатидан олиб чиқиш мақсадида бир қатор самарали чораларни кўрди. Молиялаштириш ва бутлаш масалалари оқилона ҳал этилди. Ҳамма бўғинларга салоҳиятли ва интилувчан раҳбарлар танлаб, тайинланди.

– Ўтган йилнинг бошида корхона ўзгариб, "Linplast" масъулияти чекланган жамиятга айланди, – деди корхона директори Мухтор Примов. – Ўшандаёқ таъмирлаш-тиклаш ишларига киришилди. Кўплаб мутахассисларни корхонага қайтардик. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан дастгоҳ ва агрегатлар иккинчи умрини бошлади. Масалан, қайта тикланган қуйиш цехида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараяпмиз. Турли ўлчамда полиэтилен қувурлар тайёрланадиган цех ҳам ишга тушди. Улар мамлакатимизнинг кўплаб минтақаларига етказиб берилаяпти.

Оҳангаронлик Абдусаттор Қўшалов ўз меҳнат фаолиятини шу корхонада чилангарликдан бошлаган эди. Кейин экструдер машинисти, вальцовкачи бўлиб ишлади. Ўз вазифасига масъулият билан қаради, мамлакат учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳисса қўшаётганидан фахрланиб юрди. Корхона инқирозга учраганда ачинди, қайғурди. Бироқ, кўпчиликка ўхшаб бўшаб кетмади. Қоровул бўлиб ишлаб қолди.

– Ўзбекистондаги кўпгина саноат корхоналари давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва топшириғи билан қайта тикланиб, ишга туширилаётгани ҳақида газеталарда ўқиб, телевидениеда кузатиб бордим, – дейди фахрий ишчи. – Бизнинг корхонамиз ҳам қайта оёққа туришига ишонардим. Шундай ҳам бўлди. Корхонага киришдаги қоровуллик постимни топшириб, цехга қайтдим. Менга қўшилиб бошқалар ҳам шундай қилишди. Жамоамиз коллеж битирувчилари ҳисобига янада тўлди. Дастгоҳ ва агрегатлар аввалгидек, маромида ишлаяпти. Бундан қувонмай бўладими!

Ўтган йилнинг декабрь ойида "Поливинилхлорид ишлаб чиқариш технологик линиялари учун ускуналар ҳамда бутловчи ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш" ва "Ermafa Technologies GmbH (Германия) компаниясининг поливинилхлоридни қайта ишлаш линиясини тиклаш ва хизмат кўрсатишни амалга ошириш" лойиҳаларининг тендер савдоси бўлиб ўтди. Тендерда бешта фирма иштирок этди. Шундан иккита фирманинг таклифлари асосли ва самарали деб топилди. Ўзлаштириш учун банк маблағ ажратди. Демак, яқин вақт ичида бу линия ҳам республика учун жуда зарур бўлган маҳсулотларни бера бошлайди.

"Linplast" масъулияти чекланган жамиятнинг барқарор ишлашидан бошқа меҳнат жамоалари ва шаҳарликлар ҳам манфаатдор. Корхонанинг балансида подстанция бор бўлиб, у электр энергиясини қайта ишлаб, саноат корхоналари ва шаҳарнинг кичик туманлари тураржойларига етказиб беради. Подстанциянинг узлуксиз ишлаб туриши учун қувват берувчи ускуна ва узатувчи қурилмалар ҳам таъмирланди ва созланди. Шунингдек, малакали ёш мутахассислар билан таъминланди.

Вилоятдаги яна бир нечта корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти қайтадан тикланди.



Улар сафида Бўстонлиқ туманидаги "Ғазалкент гранит" ва "Gaza Lkent Stone", Янгийўл туманидаги "Billur teks" ва "Bio Mikrel", Янгийўл шаҳридаги "Kinder Fruts", Ангрендаги "Шовли" қўшма корхонаси ҳам бор. Яна 23 та корхонада реконструкция ишлари давом этаяпти.

Мамлакат Президентининг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоралари тўғрисида"ги Фармони доирасида банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналари кимошди савдосида тижорат банкларига мулк қилиб сотилди. Банклар эса ўз навбатида корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тиклашни, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ва қайта ускуналашни, ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш юзасидан инвестициявий мажбуриятлар қабул қилди.

Вилоятнинг тижорат банклари балансига ўтказилган корхоналарида ишлар анча жонланди. Аммо бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Молия муассасалари бу корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш мақсадларига 14,5 миллиард сўм йўналтирди, замонавий ускуналар харид қилиш учун 7,2 миллиард сўм ажратди. Бу чораларнинг самараси эса тезда ўзини кўрсатди. Корхоналар ўтган йилнинг 9 ойида 22,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Хорижга 5,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. 1749 та янги иш ўринлари очилди.

Масалан, Янгийўл туманида "Ядем текстил" қўшма корхонаси негизида "Billur teks" масъулияти чекланган жамияти барпо этилди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бунинг учун 2,1 миллиард сўм инвестиция берди. Масъулияти чекланган жамият бу маблағнинг ярмини ишлаб чиқаришни модернизациялашга сарфлади. Корхона қайта тиклангач, 400 дан зиёд қишлоқ кишилари унинг цехларига ишга жойлашди. Импорт дастгоҳ ва агрегатларни асосан олий ўқув юртлари ва коллежларни битирган ёшлар бошқаришаяпти.

Бундай мисолларни узоқ давом эттириш мумкин. Зеро, вилоятда барча саъй-ҳаракатлар иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада кучайтиришга, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш тамойилларини такомиллаштириш ва мукаммал даражага етказишга қаратилмоқда. Чет эл инвестициялари, шунингдек, тижорат банклари маблағлари минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан қайта қуришга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, янги, замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга кенг кўламда жалб этилмоқда.

**Акимжон АДИЗОВ,**
**"Правда Востока" газетаси ўз мухбири.**
Тошкент вилояти.



**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) оператор Абдусаттор Кушалов; чилангар Дониёр Авелов.

**Алла РОМАШКО олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# КИТОБХОНЛАР БАЙРАМИ

**Мактаб ўқувчиларининг қишки таътили давом этаётган шу кунларда Республика Болалар кутубхонасида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда китобхонлар байрами ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, жисмоний имконияти чекланган болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари иштирок этди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган ўқувчи-ёшларга алоҳида меҳр кўрсатиш, уларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур барча шароит ва имкониятни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Икки юз йигирма мингдан зиёд китоб захирасига эга мазкур кутубхонада умумий ўрта таълим, махсус мактаб-интернатларнинг ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш, болаларни умумий ўрта таълим фанлари, илмий-бадиий адабиётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг ушбу маънавият масканидаги адабиёт, нутқ маданияти, компьютер саводхонлиги каби тўгаракларга жалб этилиши ўқувчилар билимининг бойиши ва мустаҳкамланиши, бўш вақтини тўғри ва самарали ташкил этишга хизмат қилаётир.

Тадбирда ўқувчи-ёшларга кутубхонадаги янги илмий-бадиий адабиётлар, даврий нашрлар, ахборот-кутубхона хизматидан самарали фойдаланиш ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «АТИРГУЛ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси журналист хотин-қизларнинг касб маҳорати ва интеллектуал савиясини юксалтириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий "Атиргул" кўрик-танловини эълон қилади.**

Танловга тақдим этиладиган материалларда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, шунингдек, интеллектуал ва маънавий етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган мавзулар ёритилган бўлиши керак.

Танловга 2010 йилнинг 1 мартидан 2011 йилнинг 15 февралигача босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, телевидение ва радио орқали эфирга узатилган ҳамда интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 20 февралигача қабул қилинади.

Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида топширилади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси, манзили ва боғланиш телефонлари илова қилиниши керак.

**Материаллар "Атиргул" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 35- ва 37-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Тел.: 244-64-61, 244-37-87. E-mail: ljod@sarkor.uz.**

**Мана бир неча йилдирки, республикамизнинг турли ҳудудларидаги классика, вокал, миллий чолғу, рақс, тасвирий санъат, шеърият, адабиёт ва театр сценарийси йўналишлари бўйича 6 дан 14 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ўтказиб келинмоқда.**

# КЕЛАЖАК ЮЛДУЗЛАРИ

2010 йилда ўтказилган фестивалнинг шаҳар, вилоят, республика босқичларида ғолибликни қўлга киритган истеъдодли ёшлардан бири – Отабек Абдуғаффоров. Унинг болалик пайтларидаёқ санъат, мусиқага меҳри баланд эди. Шу боис Бекобод шаҳридаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабига вокал йўналиши бўйича ўқишга кирди. Ўқиш жараёнида турли тадбир ва танловларда иштирок этиб, илк устози Индира Шомуслимова берган билимни оқлаб келмоқда. 3-синфда Бекобод шаҳар миқёсида ўтказилган "Санъат байрами"да 1-ўринни эгаллади.

Отабек ўқишдан бўш вақтларида математика билан алоҳида шуғулланади, расм чизишга қизиқади. "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали қандай таассурот қолдирди, деган саволга Отабек шундай жавоб берди:

– "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалида нафақат ғолиб бўлиш, балки иштирок этишнинг ўзи бахт мен учун. Фестивалнинг бошқа танловлардан фарқи шундаки, унда ҳақиқий митти юлдузлар чақнаб туради. Унда мен вокал йўналиши бўйича устоз санъаткорларимиз ижро этган "Мустаҳзод" қўшиғини куйладим, қўшиқ давомида устоз санъаткорларнинг руҳий кўмаги менга мадад бериб турди. Устозлар ўгити эса танловда ғолиб бўлишимга замин яратди.

Фестивалда мен жуда кўп вилоятлардан дўстлар орттирдим. Ўзим доимо ҳавас қилган, суҳбатлашишни истаган устоз санъаткорлар билан танишиш шарафига муяссар бўлдим. "Янги авлод" ҳақиқатдан ҳам истеъдодлар мактаби бўлди, десам янглишмайман. У республикамиздаги барча истеъдодларни қамраб олди. Бундай фестивалда иштирок этиб, совриндор бўлганимдан жуда бахтиёрман. Мени доимо қўллаб-қувватлаган ота-онам ва устозларимга, "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ташкилотчилари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Камалак" болалар ташкилоти ва "Фонд форум" аъзоларига миннатдорлик билдираман.

Отабекнинг қувончдан порлаб турган кўзларида биз қалби тубидаги ғурур ва фахрни ҳис этиб, келажакка бўлган ишончни кўрдик. У каби истеъдодларга қувонч бағишлаётган, камол топишларида қўллаб-қувватлаётган ташкилотлар барча зарур шароитларни яратиб бермоқдалар.

Отабек Абдуғаффоров ҳозир Бекобод шаҳар 12-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгашининг мактабда фаолият юритаётган бошланғич ташкилоти аъзоси. Шу билан бирга синф "Камалак" болалар ташкилоти раиси.

Ёшларга доимо қанот ва таянч бўлаётган ташкилотлар бор экан, Отабек сингари иқтидорли ёшларимиз сафи тобора кенгайиб, улар юртимиз санъати ва маданиятини жаҳонга кўз-кўз қилаверадилар.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

**ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ**

# МАРДЛАР БАЙРАМИ – МИЛЛИЙ БАЙРАМИМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида муддатли ҳарбий хизматни ўташ бир йил этиб белгиланди. Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақирилмоқда.

Бугун армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қуролли Кучларимиз қисмларининг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлиги ошмоқда, турли таҳдид ва хавф-хатарларни, чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларни ўз вақтида ва самарали бартараф этиш қобилияти кучаймоқда. Қисм ва бўлинмаларни энг янги қурол-яроғ ва жанговар техника билан қайта жиҳозлаш, замонавий воситалар билан таъминлаш ишлари изчил давом этаётир.

Чақирув танлов асосида амалга оширилаётгани ана шундай улкан вазифаларни чуқур англаб етадиган, пухта билимга, жисмоний тайёргарликка эга йигитларни саралаб олиш имконини бермоқда. Бунинг самарасида бугунги аскарлар муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликни сифатли ўзлаштирмоқда. Ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услублари бўйича билимини ошириб, мустаҳкам тайёргарликдан ўтаётир. Замонавий қурол-яроғларни ишлатишни, ҳарбий тактикани пухта эгаллаб, том маънода ҳарбий санъатни ўрганмоқда.

Ўтган йилларда Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд автомобиль олий ҳарбий қўмондонлик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар тайёрланмоқда.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юқори, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш ишлари изчил амалга оширилмоқда.



Бунинг самарасида ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш, синовдан ўтказиш бўйича Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланмоқда. Улар энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланмоқда, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларидан кенг фойдаланилаётир. Офицер кадрлар ҳамда сержантлар таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилмоқда. Бу эса хорижий мамлакатларнинг ҳарбий қурилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида армиямизнинг жанговар таркибини, қўшинларнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш имконини бераётир.

Маълумотларга кўра, олий ҳарбий билим юртларида ўқиш истагида ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Айни вақтда уларнинг тест синовларидан олдинги жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари тобора ошаётир.

Шу кунларда мамлакатимизда яна бир миллий байрам – Ватан ҳимоячилари кунига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу қувончли дамларда юртимиз, ҳар бир инсон ҳаётидаги энг қадрли неъмат – тинчлик ва осойишталик учун қалқон бўлаётган ҳарбийлар ҳақида ҳар қанча гапирсак-да оз. Бундай инсонлар ўз ҳаётини қаҳрамонлик устига қурган, десак муболаға бўлмайди. Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек "...ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу".

Ҳа, миллий армиямизнинг мустаҳкам таянчлари, катта жасорат соҳиблари – ҳарбийларимиз бор экан, Ватанимиз тинч ва осойишта, осмонимиз мусаффо. Айни пайтда бу мустақил юртимиз ёрқин келажаги, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолатидир. Шунинг учун ҳам Ватан ҳимоячилари кунини миллий байрам сифатида кенг нишонлаймиз.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг
Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz;
e-mail: oao@post.uz

**«ОСИЁ КУБОГИ – 2011»**

# МУСОБАҚАНИ ЎЗБЕК ФУТБОЛЧИЛАРИ БОШЛАДИ

**Кеча Доҳада футбол бўйича XV Осиё кубоги мусобақаси Ўзбекистон ва Қатар миллий терма жамоалари учрашуви билан бошланди.**

**Осиё футбол конфедерацияси томонидан 1956 йилда асос солинган Осиё кубоги мусобақаси бугун қитъамизда футбол бўйича ўтказилаётган энг нуфузли турнир ҳисобланади. Унда мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган энг кучли ўн олти мамлакат миллий терма жамоалари ғолиблик учун куч синашади.**



Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё кубоги мусобақасининг финал босқичида 1996 йилдан буён иштирок этиб келмоқда. Ўша йили Бирлашган Араб Амирликлари ва 2000 йили Ливанда ўтказилган дастлабки икки турнир ўзбекистонлик футболчилар учун тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади. 2004 йили Хитойда ва уч йилдан сўнг бирваракайига тўртта мамлакат – Вьетнам, Индонезия, Таиланд ҳамда Малайзияда ташкил этилган кейинги икки мусобақанинг гуруҳ беллашувларида зафар қучган футболчиларимиз чорак финалга чиқиб, мухлису мутахассисларни хушнуд этди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё кубогининг финалида ҳозиргача жами ўн тўрт учрашув ўтказиб, шулардан олтитасида зафар қучган ва икки маротаба дуранг ўйнаган.

2011 йилги Осиё кубоги футболчиларимиз учун жорий мавсумнинг энг нуфузли ва муҳим мусобақаси ҳисобланади. Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан терма жамоамиз аъзоларининг мазкур турнирга пухта тайёрланиши учун барча шароит яратилди. Вадим Абрамов бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз вакиллари Европа, Африка ва Осиё мамлакатларида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида қатнашди.

Бош мураббий Осиё кубогининг финал босқичида ўйнайдиган терма жамоа таркибига миллий чемпионатимиз олий лигасида иштирок этаётган "Пахтакор", "Бунёдкор", "Насаф", "Олмалиқ", "Қизилқум" жамоалари сафида кучли ўйин кўрсатган энг моҳир футболчиларни жалб этди. Шунингдек, "Сеул" жамоасида Жанубий Корея чемпионлигига сазовор бўлган Сервер Жепаров, "Арсенал" (Украина)дан Максим Шацких, "Лахоя" (Қатар)дан Жасур Ҳасанов, "Богемианс-1905" (Чехия)дан Азиз Иброҳимов, Россия чемпионати вакиллари – "Сибирь"дан Вагиз Галиулин, "Волга"дан Санжар Турсунов, "Алания"дан Марат Бикмаев, Қозоғистон чемпионати ғолиби "Тобол"дан ҳужумчи Улуғбек Бақоев каби легионерлар ҳам Қатар яшил майдонларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари "Осиё кубоги – 2011" мусобақасининг чорак финалига чиқиш учун "А" гуруҳида Қатар, Кувайт ва Хитой Халқ Республикаси футболчилари билан куч синашади.

Қуръа натижасига кўра, "В" гуруҳига тушган Япония миллий терма жамоаси кейинги босқичга чиқиш учун Саудия Арабистони, Иордания ва Сурия билан рақобатлашади. "С" гуруҳи Жанубий Корея, Австралия, Баҳрайн ва Ҳиндистондан таркиб топди. Осиёнинг амалдаги чемпиони – Ироқ "D" гуруҳида Корея Халқ Демократик Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эрон билан ўйнайди.

Ҳар бир гуруҳдан энг кучли икки терма жамоа чорак финалга йўлланма олади. "Осиё кубоги – 2011" мусобақасининг финал учрашуви 29 январда бўлади.

Миллий терма жамоамиз гуруҳдаги биринчи учрашувини 7 январь куни – Осиё кубоги мусобақасининг тантанали очилиш маросимидан кейин Қатар миллий терма жамоасига қарши ўтказди. Футболчиларимиз 12 январда Кувайт, 16 январда Хитой вакиллари билан куч синашади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**МУЛОҲАЗА**

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА КИМ МАСЪУЛ?

**Фарзандини илмли қилиш, ҳунар ўргатиш ҳар бир ота-она учун фарз.**

**Бугунги ёшларнинг кўпчилигида билим, ҳунар эгаллашга мойиллик кучли. Аммо, улар орасидаги ялқов, танбаллар ҳам борки, улар қисмати кишини кўпроқ ташвишга солади. Улар бекорчиликдан ўғрилик, гиёҳвандлик каби турли жиноят йўлларига кириб, сўнгра, афсус чекадилар.**

Ёшларнинг бу йўлга кириб қолишларида биз, катталарнинг ҳам айбимиз бор. Гиёҳвандлик моддалари киши соғлиги учун зарар эканлигини, охир-оқибат ўлимга олиб боришини ўз вақтида фарзандларимизга тушунтирмаймиз. Уларнинг бу йўлга кириш сабаблари ҳақида, унинг олдини олиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бизнинг лоқайдлигимиз ёшларни жар ёқасига олиб бориб қўяди.

Масалан, ўн олти ёшли ўспирин бангилар тўдасига қўшилиб қолди, дейлик. Уни ботқоқлик борган сари ўз домига тортаверади. Энди у гиёҳванд моддасиз тура олмайдиган даражага етади. Героиннинг озгинаси фалон пул. Аммо йигитчага ўша оғусиз ҳаёт йўқ. Ҳеч қаерда ишламайди лекин, сиқим-сиқим пул керак. Пулни қаердан олсин? Ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермагач, ўғрилик, талончилик қилишдан ўзга иложи йўқ. Натижада пул топиш режасини тузади. Ким билан, қаердан, қандай қилиб? Бунинг аҳамияти йўқ. Пул, фақат пул керак.

Бундай кўнгилсиз ҳолатлар афсуски, учраб турибди. Бунга ким айбдор? Бизнингча, аввало ота-онанинг лоқайдлиги, ўз фарзанди тарбиясига бефарқлиги бунинг бош сабабларидан бўлса керак. Чунки, баъзи ота-оналар ўз боласининг нима билан машғул эканлигини, дўстлари ким, мактабга ёки ўқишга бориш-бормаслигини суриштирмайди. Ота-оналар мажлисига-ку, мутлақо вақтлари йўқ.

Статистик маълумотларга кўра, гиёҳванд моддаларни кўпинча 12-17 ёшли ўсмирлар истеъмол қилишади. Баъзан, кўча-кўйларда эгасиз қолдирилган машиналардан бензин ўғирлаб, уни пахта, латта, увадаларга шимдириб, ҳидлаб юрган айрим ёш болаларни кўриб, юраги ачишади кишининг. Бироқ, ҳеч ким уларга танбеҳ бермайди. Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка оламиз. Мутасадди ходимлар ҳам она сути оғзидан кетмаган бу болаларнинг хатти-ҳаракатларини кўрса-да, индашмайди. Оқибатда бундай иллат ёшлар учун одатий ҳолга айланиб кетади.



Кўпчилигимиз кечқурун ишдан қайтгач, дарров телевизор кўришга ўтирамиз. Боғча ёки мактабдан олам-олам таассуротлар билан қайтган кичкинтойимиз биз билан суҳбатлашишни, таассуротларини ўртоқлашишни истайди. Биз эса озгина вақт ва эътиборни улардан аяймиз. Дейлик, фарзандимизнинг тоби қочиб қолди. Бу эҳтимол, енгилгина шамоллашдир. Аммо, барчамиз энг муҳим ишларимизни ташлаб, унинг бошида парвона бўламиз. Натижада болаларимизнинг онгида катталарнинг эътиборини қозонмоқнинг энг мақбул йўли хасталаниш экан, деган фикр пайдо бўлади. У энди гоҳ у ери, гоҳ бу ери оғриётганини рўкач қилиб, эвазига ота-онасидан эътибор ва меҳр талаб қила бошлайди. Демоқчимизки, ниҳолнинг дуркун ўсишида қуёш нури нечоғлик керак бўлса, боланинг вояга етишида ота-она ғамхўрлиги шунчалик зарурдир.

Ҳар бир ота-она фарзандини фақат моддий жиҳатдан таъминлаш билан кифояланиб қолмай, балки уларнинг одоб-ахлоқли, имон-эътиқодли, эл-юрт корига ярайдиган бўлиб етишишига астойдил ҳаракат қилмоқлари зарур. "Ота-онаси ўлганларни эмас, одоб-ахлоқи бўлмаганларни етим денг" дейилади Ҳадисларда. Фарзандларимизнинг билим, касб-ҳунари билан бирга ахлоқий фазилатлари камолотига ҳам катта аҳамият беришимиз керак.

Яна: "Илм – саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида – таянч, ёлғиз дамларда – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу-зийнат, душманларга қарши курашда қурол" дейилади Ҳадисда. Шундай экан, фарзандига илм, ҳунар ўргатиш ҳар бир ота-она учун фарз. Илмли кишилар доимо эл орасида ҳурматга лойиқ бўлиб, алоҳида эъзозланади.

Ҳар бир инсоннинг эришган муваффақиятларида ота-она, устоз ва бошқа кўп яхши одамларнинг ҳақи бўлади. Шундай экан, ота-оналар, устозлар ёшларнинг келажаги, бахти учун ўзларини жавобгар ҳис этишлари лозим.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**КЎРГАЗМА**

# ТАБИАТНИНГ МЎЙҚАЛАМДАГИ АКСИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазма залларида турли касб эгалари, ижодкор рассомлар, ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари иштирокида "Табиат ва рассом" мавзусида XXVI республика анъанавий кўргазмаси очилди.**

Бу 2010 йили ташкил этилган рассомлар кўргазмаларининг якунийси бўлди дейиш мумкин. Кўргазма экспозицияларидан юздан зиёд рангтасвирчиларнинг 200 дан ортиқ турли услуб ва йўналишларни қамраб олган асарлари ўрин олган.

Кўргазма залларидан бирида манзарачи рассом Беҳзод Маҳмудовнинг "Табиат ва рассом" мавзусига уланиб кетган "Қалб нафаси" шахсий кўргазмаси ҳам намойиш этилмоқда.

Экспонатлар атрофидаги суҳбатларда ушбу кўргазма тарихи таниқли рассомлар Римма Гоглоева, Янис Солпинкиди, Евгений Мельников, Юрий Стрельников, Веньямин Якудин, Юрий Чернишёв, Дилором Мамедова ва бошқа рангтасвирчи рассомлар номи билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритилди.

Мамлакатимизнинг гўзал табиати, турли йиллар фасллари, айниқса, куз ва қиш фаслларига бағишлаб яратилган асарларда ўз ифодасини топган. Юртимизнинг ширин-шакар мевалари тасвирланган натюрмортлар, айниқса, вилоятимизнинг Чимён, Чорвоқ, Хумсон, Паркент, Сўқоқ каби сўлим қишлоқларнинг меҳр билан чизилган гўзал тасвирлари томошабинлар эътиборини ўзига тортади. Шу йўналишдаги чорак асрлик кўргазмалар тарихига назар ташласак, рассомлар учун яратилган шароитлар натижасида ижодкорларнинг табиат ва борлиқни ифодалашда, асар яратиш услуб ва йўналишларида кенг кўламда юз берган ўзгаришларни кўриш мумкин.

Кўргазмага қўйилган турли авлодларга мансуб забардаст рассомлар билан бирга иқтидорли ёш рассомлар, айниқса, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, республика рассомлик коллежи ўқувчиларининг ўз устозлари раҳбарлигида тайёрлаган асарлари эътиборга лойиқдир.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**



*Кумуш қишнинг мафтункорлиги.* **Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

**БУ – ҚИЗИҚ**

## УЯСИ БУЗИЛГАНЛАР ТАЖОВУЗИ

Австралиянинг ҳудудларида заҳарли илон, ўргимчак ва тимсоҳ тажовузи оқибатида бир неча киши оғир жароҳатланган. Бир неча кундан бери тинмай ёғаётган кучли ёмғир бу жонзотларнинг уяларини вайронага айлантирган. Шу сабабли улар аҳоли истиқомат қилувчи ерларда ўзлари учун ин қурмоқда.

"The Sydney Morning Herald" газетасининг ёзишича, табиий офат оқибатида икки юз мингдан зиёд киши бошпанасиз қолган. Уларнинг аксарият қисми хавфсиз ерларга кўчирилган.

# МУЗЛИКЛАР БАРАВАР ЭРИСА НИМА БЎЛАДИ?

Кейинги йилларда олимлар Ер сайёрасида глобал исиш юз бераётгани, натижада асрий музликларнинг эриши маълум даражада тезлашаётгани ҳақида турлича фикр-мулоҳазаларни баён этмоқдалар. Бир қарашда, ерликлар бу масалага бефарқдек кўринишади. Аммо, ҳиссиётга тез берилувчи одамлар ҳам борки, олимларнинг тахминлари уларни ҳозирданоқ ташвишга солаётган бўлса, ажаб эмас.

Ҳақиқатан ҳам қизиқ: агар Ер юзидаги музликлар бирдан эрий бошласа нима бўлади? Қайси мамлакатлару шаҳарлар сув остида қолади? Қайси ўлка ва юртларнинг "тўпиғига ҳам чиқмайди?"

– Ер сайёрасидаги мавжуд сувларнинг бор-йўғи 2 фоизигина муз ҳолатида, – изоҳ беради гляциолог олим, география фанлари номзоди Николай Осокин. – Бу музнинг ҳажми 26 миллион куб метрга тенг. Унинг асосий қисми Антрактида ва Гренландияда жойлашган.

Агар ҳамма муз планета сатҳига текис ва баравар ётқизилса, у сайёрамиз юзасини 53 метр қалинликда қоплайди.

Энди тасаввур қилайлик, агар шу музлар баравар эриса, вазият қандай кўриниш олади? Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, Жаҳон океани сувининг сатҳи 64 метрга кўтарилади. Аҳоли зич яшайдиган қирғоқбўйи текисликларини сув босади. Ўнлаб йирик шаҳарлар, шу жумладан, Лондон, Нью-Йорк, Санкт-Петербург сув остида йўқ бўлиб кетади. Голландия, Американинг Флорида штати, Кольск яриморолининг бир қисми, Ғарбий Сибирнинг асосий қисми сувга бутунлай ғарқ бўлади.

Аммо, келтирилган бу далиллардан хавотирга тушиш ва айниқса, ваҳимага берилиш мутлақо ўринсиз. Негаки, яқин мингйилликлар ичида бундай фалокатлар она Сайёрамизга таҳдид солмайди.

**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**

# ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР!

Сизларга "Камолот" ЁИҲ вилоят Кенгашида ишонч телефони иш фаолияти йўлга қўйилганини маълум қиламиз. Ушбу ишонч телефони орқали сиз ёшларнинг ижтимоий ҳаётида, жумладан, таълим ёки меҳнат фаолиятида юзага келаётган турли муаммолар тўғрисида вилоят Кенгашига маълум қилишингиз мумкин. Мурожаатлар асосида вилоят Кенгаши муаммолар ечимини топишда сизга ўз ёрдамини кўрсатади.

**Ишонч телефони: (8 371) 150-65-89, 150-65-88. (Шанба ва якшанба кунларидан ташқари соат 8.30 дан 17.30 га қадар)**

**"Камолот" ЁИҲ Тошкент вилояти Кенгаши.**

**РАССОМ ХАНДАСИ**




Адвокатская фирма "YUR-SERVIS SHAVKAT" (ИНН 206932714), зарегистрированное Ташкентским городским управлением юстиции, удостоверение № 71/12-511 от 21.08.2007г., **ЛИКВИДИРУЕТЯ** на основании протокола № 2 от 05.12.2010г.

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский р-н, ул. Буюк ипак йули-59. Тел.: 235-78-93.

ООО "SAM-DAR MEBEL-SAVDO" Шайхантахурского района (ИНН 301436319) сообщает об уменьшении уставного фонда с 150 000 000 сумов до 25 000 000 сумов.

ООО "AAT ADVISER", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района за реестр № 001371-03 от 19.03.2009г. (ИНН 206168588) ул. Бухоро, дом 2, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 4 от 05.01.2011г.)

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел: 236-55-06.

ООО "JIHOZLASH", зарегистрированное в Зангиатинском районе, (ИНН 200561849) уменьшает уставной фонд с 44 955 000 сумов до 2 677 964,24 сумов.

Претензии принимаются в течение одного месяца по тел: 249-19-43.

Утерянный план дома на право собственности, выданный БТИ Яккасарайского р-на г. Ташкента, расположенный по адресу: Яккасарайский р-н, ул. Акромхаджаева д. 19, на имя Закировой Наргисы Холмахаматовны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "AL-RAMI" г. Ташкент, Сергелийский р-н, Аэропорт 2-тупик, д. 23 **РЕОРГАНИЗУЕТСЯ** путем преобразования, с переходом всех прав и обязательств в СП ООО "AL-RAMI". Уставной фонд увеличивается до 500 000 долларов США.

Претензии кредиторов принимаются в течение 30 дней с даты публикации настоящего объявления по тел.: 295-41-53.

Ўртачирчиқ тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 35-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 2001 йилда Эшонқулова Зиёда Раҳимбердиевна номига берилган O'R-A № 1141848 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "SARO'TIS BIZNES" Зангиатинского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 8 126 208 сумов до 540 000 сумов.

ООО "AL-QAMAR OMAD" Юнусабадского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 45896876 сумов до 42274835 сумов.

ООО "MODERN POWER SYSTEMS" (ИНН 301713384) М. Улугбексого района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 175 000 000 сумов до 58 000 000 сумов. Тел.: 269-38-83.

ООО "JAVOHIR ILYOS SERVIS" (ИНН 301705520, ОКПО 23437165), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-9-5-А,

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 3 от 28.12.2010г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 154-71-07, 974-63-77.

Шайхонтоҳур туманидаги 39-ўрта мактаб томонидан 1993-1994 ўқув йилида Агзамова Шоиста Миролиловна номига берилган А 422684 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Оҳангарон туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 2001 йилда Ахмедов Бабахан Ахмед ўғли номига берилган O'R-A № 1127919 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ИП "CHERAT Co LTD" настоящим сообщает об уменьшении уставного фонда с 124427,24 долларов США до 100000 долларов США.

Утерянный патент за № 0105278, выданный на Абдиева Уткира Усмановича (ИНН 600651036) Учтепинским хокимиятом 25.02.2008г., а также круглую печать и угловой штамп,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

ЧП "AZALIUM" (ИНН 204705466) сообщает об изменении формы соственности на ООО.

Претензии предъявляются по адресу: г. Ташкент, м-в Хумоюн, д. 3-А.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 15640. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345